

Раҳмоннинг дўстлари ва Шайтоннинг дўстлари
ўртасини ажратиш

Шайхул Ислам Ибн Таймия қаламларига мансуб

Таржимон: Абу Солих

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

Барча ҳамду-сано Аллоҳ учун. У Зотдан мадад ва мағфират сўраймиз. Нафсимиз ва амалларимизнинг ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ беришини сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи ва У адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. У Зотнинг: Ундан ўзга барҳақ маъбуд бўлмаган Аллоҳ эканига гувоҳлик берамиз ҳамда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва расули эканлигига гувоҳлик берамиз. Аллоҳ у зотни барча динларга ғолиб бўлиши учун ҳақ дин ва ҳидоят билан юборди, бунга Аллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир.

Аллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни қиёмат олдидан хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборди. Ўз изни ила Аллоҳ йўлига даъват қилувчи ва ёруқ нур қилди. У билан одамларни залолатдан ҳидоятга, кўрликдан басиратга ва адашишдан тўғри йўлга олиб чиқди. У билан ожиз кўзларни очди, кар қулоқларни эшиттириди ва қулф қалбларни очиб ташлади. У билан ҳақ ва ботил, ҳидоят ва залолат, рушд ва адашиш, мўминлар ва коғирлар, саодатманд ахли жаннат ва баҳтиқро ахли дўзах, Аллоҳнинг дўстлари ва душманлари ўртасини ажратди.

Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кимга Аллоҳнинг дўстларидан, деб гувоҳлик берган бўлсалар, у Раҳмоннинг дўстларидандир ва кимга Аллоҳнинг душмани деб гувоҳлик берган бўлсалар, у Аллоҳнинг душмани ва шайтоннинг дўстларидандир.

Аллоҳнинг дўстлари ва Шайтоннинг дўстлари

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсонлар ичида Ўзининг дўстлари борлигини, Шайтоннинг ҳам дўстлари борлигини Ўз китобида ва Расулининг суннатида баён қилиб, Раҳмоннинг дўстлари ва Шайтоннинг дўстлари ўртасини ажратди. Аллоҳ таоло айтди: «**Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордир. Аллоҳнинг сўzlари ўзгартирилмас. Мана шу (мазкур неъматларга эришиш) улуғ баҳтдир.**» (Юнус: 62-64). Яна деди: «**Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгалариdir ва унда абадий қолажаклар.**» (Бақара: 257) Яна айтди: «**Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар Сизлардан ким уларга дўст бўлса, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Сиз — дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида кофирлар томонга**

шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки Ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиласиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. Шунда мўминлар бир-бирларига: «Жон-жаҳдлари билан Сизлар билан биргамиз», деб қасам ичганлар шуларми?» — дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўzlари зиён кўрувчиларга айланиб қолишиди. Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўради, улар Аллоҳни яхши кўрадилар. Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан кўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билувчиdir. Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва тавозе қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни адо этадиган мўминлардир. Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлувчиdir.» (Моида: 51-56). Яна деди: «У жойда (Қиёмат кунида) ҳам салтанат Ҳақ таолоникидир. У энг яхши савоб - мукофот ато этувчи ва энг хайрли оқибатни берувчи зотdir.» (Каҳф: 44).

Аллоҳ таоло Шайтоннинг дўстларини зикр қилиб деди: «(Эй мўмин бандам), ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта малъун шайтондан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин! Албатта, иймон

келтирган ва ёлғиз Раббилирига таваккул қиласынан зоттар устида (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир.» (Нахл: 98-100). Яна деди: «Иймон келтирганлар Аллоҳ йўлида жанг қиласылар, коғир кимсалар эса шайтон йўлида жанг қиласылар. Шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Шубҳасиз, шайтоннинг макри заифдир.» (Нисо: 76). Яна деди: «Эсланг, (эй Муҳаммад – соллаллоҳу алайхи ва саллам), фаришталарга Одам учун саломлашиш саждасини қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Парвардигорининг амрига бўйсунишдан бош тортди. Энди сизлар (эй Одам болалари) Мени қўйиб, уни (яъни, иблисни) ва зурриётларини дўст тутасизларми?! Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золим кимсалар учун (Аллоҳнинг ўрнига ибодат қилинадиган) нақадар ёмон «бадалдир». (Каҳф: 50). Яна: «Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, у очикдан-очиқ зиён қилибди.» (Нисо: 119). Аллоҳ таоло деди: «Ундей зотларга айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган; қўрқингиз!» — деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот биз унга ишларимизни топширадиган энг яхши вакилдир!» — дедилар. Бас, у юришдан бирон нохушлик етмай Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини истадилар. Аллоҳ эса улуғ фазлу марҳамат соҳибидир. Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни

ўзининг дўстларидан (кофирлардан) қўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!». (Оли Имрон: 173-175). Яна деди: «Эй Одам болалари, шайтон Ота-онангиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни уятли аҳволга солиб қўйиш) учун лиbosларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам тақво либосини ёки авратни тўсадиган хиссий либосни тарқ қилиш маъсиятини сизларга чиройли кўрсатиб алдаб қўймасин! Чунки, у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан қўриб турадилар. Албатта Биз шайтонни иймонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз. Улар қачон бирон бузуқ иш қилсалар (масалан, улар Каъбани яланғоч ҳолларида тавоф қиласар эдилар): «Отабоболаримизни шундай ҳолда топганмиз. Буни бизга Аллоҳ буюрган, дейдилар. Айтинг (эй Мухаммад – соллаллоҳу алайхи ва саллам): «Аллоҳ ҳеч қачон бундай бузуқ ишларга буюрмайди. Аллоҳ шаънига (ўзингиз) билмайдиган нарсаларни айтаверасизларми?! Айтинг: «Раббим адолатга буюргандир. У ибодатни У учун холис қилишингизга умумий суратда ва хусусан масжидларда бўлганингизда холис қилишга буюрган. У зотга динингизни холис қилган ҳолда илтижо этингиз. Сизларни бошлаб яратган ҳолига қайтурсиз. (Яъни, аввал сизлардан йўқдан бор қилгани каби Қиёмат Кунида яна ҳисоб-китоб учун қабрларингиздан чиқарур.) У бир гуруҳни ҳидоят қилди, бошқа бир гуруҳга эса йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки, улар Аллоҳни қўйиб, шайтонга дўст тутиниб

олганларда, яна ўзларини ҳидоят топувчилар, деб ҳисоблайдилар.» (Аъроф: 27-30). Яна деди: «**Албатта, шайтонлар ўз дўстларини (яъни мушрикларни) сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар.**» (Анъом: 121). Иброҳим Халил алайҳиссалом ўз отасига айтди: «**Эй ота, ҳақиқатан мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўст бўлиб қолишингиздан қўрқаман.**» (Марям: 45). Яна деди: «**(Эй Муҳаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – эсланг: Аллоҳ) уларнинг барчаларини тўплайдиган Кунда:** «**Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштиргингиз), дер.**» Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «**Парвардигоро, бизлар бир биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик...**» (Анъом: 128). Яна деди: «**Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, бас, у очиқдан-очиқ зиён қилибди.**» (Нисо: 119). Яна деди: «**Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар.**» (Бақара: 257). Яна деди: «**Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар!** Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Куръон)га кофир бўлгандирлар! Улар пайғамбарни ҳам сизларни ҳам Раббингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирганларингиз сабабли (ўз диёrlарингиздан) ҳайдаб

чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиқсан бўлсангизлар (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки, Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билувчи дирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, аниқки, у тўғри йўлдан озибди! (Эй мўминлар), агар улар (мушриклар) сизларга зафар топсалар душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзадилар (яъни сизларни ўлдирадилар, ҳақоратлар қиласидилар). Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истайдилар. (Қиёмат Кунида) сизларга қариндошуруғларингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас! Қиёмат Кунида (Аллоҳ) ўрталарингизни ажратиб қўюр, (Бас, нечун ўша уруғ-авлодингизни ҳимоя қилиш учун Аллоҳга гуноҳкор бўлмоқдасизлар?!) Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчи дир. Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, ибодат қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча сизлар билан бизнинг ўртамиизда адоват ва ёмон кўриш зохирдир», дедилар. Фақат Иброҳим ўз(ининг кофир бўлган) отасига: «Албатта мен (Аллоҳдан) сиз учун

мағфират сўрайман, (лекин) сизга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани (азобни қайтаришга) молик эмасман», (деган сўзларигина сизларга намуна бўлмасин)? Парвардигоро, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга мафтун-алданувчи қилиб қўймагин, бизларни(нг гуноҳларимизни) мағфират қилгин. Парвардигоро, албатта Сен Ўзинг қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан». (Мумтахана: 1-5).

Аллоҳ валийларининг сифатлари

Инсонлар ичida Раҳмоннинг дўстлари ва шайтоннинг дўстлари борлиги маълум бўлган бўлса, Аллоҳ ва Расули икки тоифанинг орасини ажратиб қўйгани каби улар орасини ажратиб олиш лозим бўлади. Аллоҳнинг дўстлари: тақводор мўминлардир, бу ҳақида Аллоҳ таоло: «**Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Иймон келтирган ва Аллоҳдан қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордир.**» деди. (Юнус: 62, 63). Бухорий ва бошқалар ривоят қилган сахих ҳадисда, Абу Ҳурайра розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадис қудсийда: «Аллоҳ таоло айтди: «Ким Менинг дўстимга душманлик қилса, Мен билан урушда беллашувга чиқиби [бошқа ривоятда: унга уруш эълон қилдим]. Бандам унга фарз қилган амалларимдан кўра Менга суюмлироқ бўлган бошқа бирор нарса билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам Менга нафл амалларини қилиш билан яқинлашиб бораверади, ҳаттоқи Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам,

Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. (Яъни, у фактат мен хоҳлаган ва мени рози қиласадиган нарсаларни эшитади, кўради ва ҳоказо.) [Бошқа ривоятда: Мен билан эшитади, Мен билан кўради, Мен билан ушлайди ва Мен билан юради, дейилган]. Агар сўраса, албатта бераман, паноҳ тиласа, албатта паноҳимга оламан. Мен қилмоқчи бўлган бирор ишимда мўмин бандамнинг жонини олишимдаги каби тараддуд қилган эмасман. У ўлимни ёмон кўради, Мен унга ёмонлик етишини карих кўраман. Бироқ, унга ўлимнинг етиши муқаррар». Бу валийлар ҳақида ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадислардан. Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдиларки: Ким Аллоҳнинг дўстига душманлик қилса, шубҳасиз у Аллоҳга қарши майдонга тушибди.

Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш

Бошқа бир ҳадисда: «Мен Ўз дўстларимнинг ўчини худди урушқоқ шер ўч олгани каби оламан». Чунки, Аллоҳнинг авлиёлари У Зотга иймон келтириб, У Зотни дўст тутганлар, У яхши кўрадиган нарсани яхши кўрганлар, У ёмон кўрадиган нарсани ёмон кўрганлар, У рози бўладиган нарсадан рози бўлганлар, У ғазабланадиган нарсадан ғазабланганлар, У буюрадиган нарсага буюриб, қайтарганидан қайтарганлар, унга берилишини севган кишига бериб ва унга берилмаслигини суйган кишидан ман қилганлар. Бу Термизий ва бошқа ровийлар ривоят қилган ҳадисда айтилганидек: «Иймоннинг энг мустаҳкам арқони: Аллоҳ йўлида

муҳаббат ва Аллоҳ йўлида ёмон кўриш». (Бу ҳадис Термизийда эмас, балки Имом Аҳмад, Таёлисий ва Ибн Аби Шайба муснадларида ҳамда Байҳақийнинг Шуабул иймонида ривоят қилинган). Яна бошқа ҳадисда Абу Довуд ривоят қилган: «Ким Аллоҳ учун севса ва Аллоҳ учун ёмон кўрса ва Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, иймонни мукаммал қилибди». (Абу Довуд)

«Дўстлик» адватнинг зиддидир. Дўстлашишнинг асл-асоси муҳаббат ва яқинликдир. «Адоват»нинг асл-асоси эса ёмон кўриш ва узоқлашишdir.

Дўст тоат-ибодатларни дўст тутгани, яъни уларга эргашгани учун дўст деб номланган ҳам дейилади. Лекин биринчи таъриф сахихроқ. Валий деб яқин кишига, яъни қариндошга айтилади.

Расулуллоҳ – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – нинг қуидаги сўзлари ўша маънода: «Фароизларни (меросда белгиланган улушларни) ўз аҳлига беринглар. Нима қолган бўлса, у энг яқин эркак кишига бўлади». Яъни, майитга энг яқин бўлган эркак кишига қолади. Бу ерда хукм эркаклар учун хослигидан «эр киши» лафзи билан таъкидладилар. Унда эркак ва аёллар иштирок қилмайди. Набий – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – закот ҳақида ҳам шу маънода айтганлар: «Икки ёшга тўлган нор туя». (Байҳақий)

Демак, Аллоҳнинг валийси У Зот севиб, рози бўладиган, У ёмон кўриб ғазаб қиласиган, уларга буюриб ва қайтарадиган нарсаларда Унга мувофиқ ва эргашувчи бўлса, Унинг бундай дўстига душманлик қилувчи У Зотга ҳам душман бўлади. Аллоҳ таоло

деди: «Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингизни дўст тутманглар!». (Мумтаҳана: 1).

Ким Аллоҳнинг дўстларига душманлик қилса, дарҳақиқат Аллоҳга душманлик қилибди. Кимки Аллоҳга душманлик қилган бўлса, Унга қарши уруш очибди. Шунинг учун Аллоҳ: «Ким Менинг дўстимни ҳорлаган бўлса, шубҳасиз у Менга қарши майдонга тушибди» деди.

#ФУРҚОН-3

Авлиёларнинг энг афзали

Аллоҳнинг энг афзал дўстлари пайғамбарлардир. Пайғамбарларнинг энг афзали расул бўлганлари, расулларнинг энг афзали улул азм-матонат эгаларидир: Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад солаватуллоҳи ва саламуху алайҳим ажмаийн.

Аллоҳ таоло айтади: (**Эй мўминлар, Аллоҳ**) **сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани — шариат — (қонун) қилди, — «Динни барпо қилинглар ва унда фирмә- фирмә бўлиб бўлинманглар!» (Шўро: 13). Яна Аллоҳ таоло айтади: «**Эсланг, Биз (барча) пайғамбарлардан ва (хусусан сиздан) Нуҳдан, Иброҳим, Мусо ва Ийсо ибн Марямдан ахду паймонларини олгандик. У ростгўйлардан (қиёмат кунида) ростгўйликлари хақида сўраш учун улардан пухта ахду паймон қилдик - Аллоҳ****

кофиirlар учун аламли азоб тайёрлаб қўйгандир».
(Аҳзоб: 7, 8).

Улул азмларнинг энг афзали

Улул азмларнинг энг афзали — пайғамбарларнинг сўнгиси, муттақинлар имоми, Одам зурриётининг саййиди, пайғамбарлар тўпланган кунда уларга имом бўладигани, Аллоҳ ҳузурига келсалар уларнинг хутба қилувчиси, аввалгилар-у охиргилар ҳавас қиласидан «Мақоми маҳмуд», «Ҳамд байроғи», «Ҳавзи-кавсар» соҳиби, қиёмат куни халоиқнинг шафоатчиси ҳамда васила ва фазилат соҳиби бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Аллоҳ таоло ул зотни энг афзал китоб билан юборди, шариатини энг афзал шариат қилди, умматини одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат қилди, олдин ўтганларга сочиб берган фазилат ва яхшиликларни у кишига ва умматларига жамлаб берди. Улар охири яшаб, энг аввал тириладиган умматдир. Бу хақда Набий — соллаллоҳу алайҳи ва саллам — айтганлар: «Биз қиёматда ҳаммадан олдинги, дунёда эса охиргилармиз. Бироқ, уларга биздан олдин китоб берилди, бизга эса китоб улардан кейин берилди. Бу кун (яъни, жума куни) улар унда ихтилоф қилган кундир, Аллоҳ бизларни унга йўллаб қўйди. Одамлар унда бизга эргашувчидирлар; эрта (шанба) яхудлар учун, индин (якшанба) насоролар учун». (Бухорий ривояти) Яна айтдиларки: «Мен у учун ер энг аввал ёриладиган одамман» (Бухорий ривояти). Яна айтдилар: «Жаннат эшиги олдига бориб, уни очишларини талаб қиласидан. Шунда Жаннат посбони Хозин: Ким бу? — дейди. Мен: Муҳаммадман, дейман. У: Сендан олдин биронтасига очмасликка ва

фақатгина сенга биринчи бўлиб очишга буюрилганман, дейди». (Муслим ривояти).

Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ва умматларининг фазилатлари кўп; Аллоҳ таоло ул зотни юборганидан бошлаб ул зотни Ўз дўстлари ва душманлари ўртасини ажратувчи қилди. У зотга ва У зот келтирган нарсаларга ботинан ва зоҳиран иймон келтириб эргашган одамгина Аллоҳга дўст бўла олади. Ким Аллоҳга бўлган муҳаббатни ва дўстликни даъво қилса-ю, у зотга эргашмаса, у Аллоҳнинг дўстларидан эмас, балки ким У зотга қарши бўлса, Аллоҳнинг душманларидан ва шайтоннинг дўстларидан бўлади.

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй Мухаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Айтинг: Агар сизлар ҳақиқатда Аллоҳни севадиган бўлсангиз, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ ҳам сизларни севади» (Оли Имрон: 31).

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Бир тоифа одамлар Аллоҳни севамиз деб даъво қилгандилар, Аллоҳ уларни имтиҳон қилиб ушбу оятни нозил қилди. Аллоҳ таоло баён қилдики, ким Расулга эргашса, Аллоҳ уни севади. Ким Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилса-ю, лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаса, ундай кимса Аллоҳнинг дўстларидан эмас. Одамлардан кўпчилиги ўzlари ёки бошқалар ҳақида Аллоҳнинг дўстларимиз деб ўйлайдилар, ҳолбуки улар Аллоҳнинг дўстлари бўлмайдилар. Жумладан, Яхуд ва Насоролар ўзларини Аллоҳнинг дўстларимиз, жаннатга фақат биздан бўлганлар киради, деб даъво қиладилар. Улар фақат шунга чекланиб қолмайдилар,

балки ўзларини Аллоҳнинг болалари ва севимлилари, деб ҳам даъво қиласидилар.

Аллоҳ таоло айтди: «**Яҳудий ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг суюкли болаларимиз», дедилар.** Айтинг: «У ҳолда нега сизларни гуноҳларингиз сабабли азоблайди?! Йўқ! Сизлар ҳам У яратган барча одамлар каби одамсизлар. Ўзи истаган кишисини мағфират қиласиди, истаган кишисига азоб беради».

Осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. Фақат унинг Ўзига қайтилур.» (Моида: 18). Яна Аллоҳ таоло айтди: «**Жаннатга фақат яҳудий ёки насроний бўлганлар киради**», дейишди. (Яъни яҳудийлар: «**Биз кирамиз**», дейишса, насронийлар: «**Биз кирамиз**», дейишди.) Бу уларнинг хом хаёлларидир. Айтинг (эй Муҳаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжат келтиринг!**» Балки, ким яхшилик қилган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, унинг учун Аллоҳ ҳузурида ажр бор ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар.» (Бақара: 111, 112).

Араб мушрикларининг ўзларини Аллоҳнинг аҳлимиз деб даъвао қилишлари

Араб мушриклари ҳам Маккада яшаганлари ва Байтуллоҳга қўшни бўлганлари сабаб Аллоҳнинг аҳлимиз, деб даъво қилишар ва бу билан улар бошқаларга кибрланишарди, Аллоҳ таоло деди: **(Чунки) сизларга Менинг оятларим тиловат қилинганида, сизлар кетингизга тисланган эдингиз.** («Байтуллоҳ бизларники», деб), у билан

мутакаббирлик қилган ҳолларингизда тунги сұхбатларингизда (Куръон хусусида) беҳуда сўзлар айтар эдингизлар». (Мўминун: 66, 67).

Яна: (Эй Мұхаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **коғирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш, ёки** (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур. Аллоҳ энг яхши макр қилувчиdir. Қачон уларга (коғирларга) Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «Эшитганмиз, агар хоҳласак, бунга ўхшаган гапни ўзимиз айтган бўлур эдик. Бу фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос», дейдилар. Уларнинг: «Эй Аллоҳ, агар мана шу (Куръон) Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёғдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргин», деганларини эсланг! Модомики, сиз уларнинг ораларида экансиз, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобламас ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмасдир! (Лекин агар) улар (иймонга келмасдан кишиларни) **Масжид-ал-ҳаромдан тўсар эканлар, Аллоҳ уларни нега азобламасин?!** (Яъни, Сиз ва мўминлар Маккадан чиқиб кетганингиздан сўнг уларни албатта азобга гирифтор қилур). Улар унинг (Масжид-ал-ҳаромнинг) аҳли эмаслар. Унинг аҳли фақат Аллоҳдан қўрқувчи зотлар (Мұхаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – ва асҳоблари)дир. Лекин уларнинг (мушрикларнинг) кўплари билмайдилар. (Анфол: 30-34).

Аллоҳ таоло мушриклар Ўзининг ҳам, Байтининг ҳам дўстлари эмаслиги, балки У Зотнинг дўстлари фақат такво қилувчилар эканини очик айтди.

Саҳиҳайнда Амр ибн Осдан событ бўлган, у айтди: Расулуллоҳ алайҳиссалом сир қилмай очик айтганларини эшитганман: «Албатта фалончининг оиласи менга дўст эмас (яъни, қариндошларидан бир тоифаси), менинг дўстим фақат Аллоҳ ва солих мўминлардир». (Бухорий, Муслим). Бу Аллоҳ таолониг сўзига мувофиқдир: **«Албатта Аллоҳ унинг дўстидир, Жибрил ва солих мўминлар ҳам»**. (Таҳрим: 4).

Солих мўминлар - мўминлар ичидағи ҳар бир солих бўлган кишилар. Улар Аллоҳнинг дўстлари бўлган тақводор мўминлардир.

Булар жумласига Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва дараҳт остида байъат берган 1400 саҳобанинг ҳаммалари дохил бўлган. Уларнинг барчаси жаннатдадир. Саҳиҳда событ бўлганки: **«Дараҳт остида байъат берганлардан бирортаси дўзахга кирмайди»**. (Муслим ривояти). Шунга ўхшаш яна бир ҳадисда айтилган: **«Ким бўлмасин ва қаерда бўлмасин, тақводорлар менинг дўстларимдир»**. (Аҳмад ривояти).

Ислом йўлидан бошқа йўл йўқ

Кофиirlар ичида Аллоҳга дўстлигини даъво қилган, бироқ Аллоҳга дўст бўлмаган, балки Унга душман бўлганлар мавжуд бўлгани каби, ўзларини мусулмон қилиб кўрсатадиган, ташларида «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ», деб

гувоҳлик бериб, ул зотни барча инсонларга, балки жин ва инсга юборилган, деб тиллари билан иқрор бўладиган, ичларида эса бу даъволарининг тескарисини эътиқод қиласидиган мунофиқлар бор. Улар дилларида у зотни Аллоҳнинг расули, деб иқрор бўлмайдилар, балки у одамларни ўз фикри билан бошқарган, бошқа подшоҳларга ўхшаган бир подшоҳ, деб эътиқод қиласидилар. Ёки Яхуд ва Насороларнинг кўпчилиги айтганидек: У ахли китобларга эмас уммийларга расул бўлган, ёки у омма халққа юборилган, Аллоҳнинг хос дўстлари борки, у уларга юборилмаган ва уларнинг унга эҳтиёжлари йўқ. Балки уларнинг Аллоҳга унинг йўлидан бошқа йўллари бор; худди Хизр билан Мусонинг алоҳида йўллари бўлганидек. Ёки бу авлиёлар барча муҳтож бўлган нарсаларини Аллоҳдан бевосита оладилар ва Ундан воситачисиз фойдаланадилар. Ёки уларнинг назарида у зот зоҳирий амаллар билан юборилганлар, улар ҳам бу амалларда ул зотга мувофиқлар. Аммо ботиний ҳақиқатларни у зот олиб келмаганлар ёки у зот бу нарсаларни билмасдилар, ёки улар бу нарсаларни ул зотдан яхшироқ биладилар, ёки улар бу нарсаларни у зотдан бошқа томондан билиб олишларини даъво қиласидилар.

#ФУРҚОН-4

• Суппа ахли

Баъзан улардан айримлари: Суппа ахли у киши алайҳиссаломдан беҳожат эдилар ва уларга у киши (Расул бўлиб) юборилмаганди, дейди. Улардан яна:

Аллоҳ таоло аҳли суппа учун алоҳида уларнинг ботинига ваҳий қилган, худди меъроҳ кечасида у кишига ваҳий қилгани каби, дейдилар. Демак у ҳолда аҳли суппа у киши соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даражаларида бир бўлиб қолмайдими?! Ана ўшалар жоҳиллигидан ҳатто Исро воқеъаси Маккада содир бўлганини ҳам билмайдилар: «Ўз бандасини бир кечада Масжидул Ҳаромдан Биз унинг атрофини барокатли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган Зот покдир». (Исро: 1). Суппа эса фақат Мадинада бўлган эди! Суппа у киши алайҳиссалом масждиларининг шимолида жойлашганди. Унга келиб тушадиганлар; яқин кишиси бўлмаган, ғариб-бечоралар эди. Чунки мўминлар Мадинага Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ҳижрат қилиб келардилар. Кимда у ерга келиб туриш имкони бўлса, ўша ерга тушарди ва ким ундан қилишдан узри бўлса, масжид ичида то (суппада) жой бўшаб қолгунича турарди, агар бўшаб қолса кўчиб олишарди.

Суппа аҳли, суппани лозим тутиб юрадиган муайян одамлар бўлмаган. Балки улар баъзан озайиб ва базан кўпайиб ҳам турарди. Бир киши унда анча туриб сўнгра (вақти келса) ундан кўчиб кетарди. Унга тушиб турадиганлар (фақат) мусулмонлар бўлган холос. Уларда дин ва илмда имтиёзлари ҳам бўлмаган. Балки улардан кимлардур исломдан муртад бўлиб чиқиб кетганлари бўлган. Ҳатто Набий алайҳиссалом уларни қатл қилганлар, мисол: Аринийликлар Мадина таомларига кўникмаганида (таомдан уларнинг қорни оғриган), шунда уларга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сути кўп туялар сутидан ва бавлидан ичишга буюради. Сўнгра

(қоринлари) тузалганида, (борган жойидаги) туячини ўлдиришади ва бир қанча туяларни олиб қочадилар. Расулуллоҳ уларни олиб келишни талаб қилиб одам юборадилар ва уларни олиб келишади. (Улар диндан қайтиб кетадилар. Ва туячини қандай қатл қилган бўлсалар) уларни ҳам, қўлларини, оёқларини чопишга ва кўзларини ўйишга ва ташналиқда сув бермай офтобга ташлаб қўйишга буюрадилар (чунки бу улардан айни туячига бериладиган қасос эди). Уларнинг ҳадиси Саҳиҳайнда Анас розияллоҳу анҳудан келган ва унда айтиладики: улар суппага келиб тушганлардан эди. Суппага ана уларга ўхшаганлар ва у ерга мусулмонларнинг энг яхшилари ҳам келиб тушган; Саъд ибн Абу Ваққос каби, у киши эса суппадагиларнинг энг афзали бўлган. Сўнгра у ердан кўчиб кетганлар. У ерда Абу Ҳурайра ва бошқалар ҳам турган.

Шунингдек «Суппадан тушган кишилар» тарихини Абу Абду Раҳмон Сулламий (китоб ёзиб) жамълаганлар.

Аммо ансорлар суппа аҳли бўлмаган. Шу каби мухожирларнинг киборлари ҳам: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Абду Раҳмон ибн Авф, Абу Убайда ибнул Жарроҳ ва улардан бошқалари суппа аҳли эмасдилар.

#ФУРҚОН-5

- Авлиёлар ҳақида келган умумий уйдирма ҳадислар

Ривоят қилинишча Муғийра ибн Шўъба билан бир ғулом бўлганмиш, Набий соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Бу - еттитадан бири», деганмиш. Ушбу ҳадис, ахли илмлар иттифоқи билан ёлғондир. Ҳаттоқи уни Абу Нуаъйим «Хиля»да ривоят қилған бўлса ҳам. Шунингдек Набий алайҳиссаломдан: «Авлиёлар», «Абдол-ерда Аллоҳнинг ўрнидагилар», «Нуқабо-ноиблар», «Нужабо-катта ноиб», «Автод-қозиқлари», «Ақтоб-марказлари» ва яна тўрттаси ёки еттита ёки ўн иккита ёки қирқта ёки етмишта ёки уч юзта ёки уч юз ўн учта ёки бир марказдагилар адади ҳақида ривоят қилинганлари (ҳаммаси тўқима ҳадислардир). Булар ҳақида бирорта саҳих нарса келмаган, салафлар ҳам бу лафзлар ҳақида айтиб ўтмаганлар, фақатгина Абдоллар ҳақида гапирилган. (Таржимондан: Лекин тўғриси Абдоллар ҳақидаги ҳадислар ҳам саҳих эмас. Барчасини иллат босган). Улар наздида: уларни қирқ киши экани ривоят қилинган. Яна улар Шомликлардан бўлган. Ҳамда булар «Муснад»да Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган мунқотеъ (санади узилган) ҳадислардан, собит эмас. Маълумки Али ва у киши билан бирга бўлган саҳобалар, Муъавия ва у киши билан бирга бўлган Шомликлардан афзалроқ. Муъавиянинг аскарлари ичида Али розияллоҳу анхунинг аскарларидан афзалроғи бўлиши ҳам мумкин эмас. Дарҳақиқат, Саҳиҳайнда келганки: Абу Саъид розияллоҳу анҳудан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Мусулмонлардан фирмачилик вақтида диндан бир мариқо-хаворижлар чиқиб келади. Уларни ҳақ устидаги икки тоифанинг афзали ўлдиради». Мариқунлар: Али розияллоҳу анҳу хилофатида мусулмонлар ичида фирмачилик натижасида ажраб чиққан Ҳарурийлик Хаворижлардир. Ўшандада уларни Али ибн Абу Толиб

ва у кишининг биродарлари биргаликда қатл қилишди. Шундай қилиб саҳиҳ ҳадисда келишича Али ибн Абу Толиб ҳақ устидалигига Муъавия розияллоҳу анҳу ва у кишининг соҳибаларидан кўра авлороқ-ҳақлироқ. Энди қандай қилиб улардан қўйироқ даражада бўлган аскарлардан Абдоллар яхши бўлсин?!

Шунингдек уларнинг баъзилари Набий алайҳиссаломдан ривоят қиласиди, у киши бир нашида айтганмиш:

Жигаримдан чақди ҳаво илони, унга на табиб ва на руқячи бор.
Фақат қаттиқ машғул қилган ҳабиб бор, ундадир менинг руқям ва шифоим.

Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ундан тасирланиб, ўзларидан кетиб елкаларидан тўнлари ҳам тушиб кетганмиш! Бу нарсларнинг бари ҳадис илми аҳлларининг иттифоқи билан ёлғондир. Бундан ҳам ёлғони: у киши кийимини йиртган ва Жибрийл ундан бир парча олиб, Аршга илиб қўйган, дейилишидир. Ушбу ҳадис ё шу каби ҳадислар аҳли илм ва Расулуллоҳ саллоллаҳу алайҳи ва салламни таниган кишилар наздида: у киши алайҳиссалом номларига (тўқилган) ёлғонлиги аниқ бўлган ҳадислардандир.

Шу каби Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган нарсалар, у киши айтканмиш: Набий алайҳиссалом ва Абу Бақр иккаласи гаплашарди ва мен эса улар ўртасида худди занжий-қора ҳабаш каби турадим, дейилганмуш! Бу, барча ҳадис илмини билгувчилар иттифоқи билан ёлғондир, тўқимадир.

Бу ерда: у кишининг умумий рисолатига зохирида иқрор бўлиб, ботинида эса уни бузадиган нарса билан эътиқод қиласиган кимсалар хақида айтилинган. Демак улар мунофиқ бўлади; ўзи ва ўзига ўхшаганлар ботинида-ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсаларга куфр келтиришлари билан бирга яна ўзларини Аллоҳнинг дўстларимиз деб: ё инкор қилишиб ё жоҳиллиги сабаб даъво қиласиди.

#ФУРҚОН-6

- Яҳуд ва Насоролар куфр келтиришларининг сабаблари

Кўпчилик Яҳуд ва Насоролар ўзларини Аллоҳнинг дўстларимиз ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, деб эътиқод қиласидилар ва лекин, у кишини аҳли китоблардан бошқалар учун юборилган, бизга эса у кишига эргашиш вожиб эмас, чунки бизга у кишидан олдин пайғамбарлар келган, дейдилар. Ундей дейдиганларнинг барчаси кофир. Яна улар ўзларича билимсизликлари ва калта ақли билан ўзларини Аллоҳнинг дўстларимиз, деб эътиқод қилиб юришади! Балки Аллоҳнинг дўстлари, Аллоҳ васфлаганлардир: «Огоҳ бўлингиз! Албатта Аллоҳнинг дўстлари, уларга бирон хавф йўқдир ва улар маҳзун бўлмаслар. Улар иймон келтирган ва тақво қиласиганлар эди» деди. (Юнус: 62, 63).

- Иймон келтириш лозим бўлган ишлардан: Аллоҳга, У Зотнинг малоикаларига, китобларига, Расулларига, охират кунига ва Аллоҳ юборган барча Расулларга ва Аллоҳ нозил қиласиган барча китобларга - иймон келтириш лозим бўлади. Буни худди Аллоҳ

таоло айтгани каби: «Аллоҳга иймон келтирдик, деб айтинглар. Ва бизга туширилган нарсага ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яқуб ва Асботга (Асбот: Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки фарзандлари ёки қавм маъносида ҳам келади) туширилган нарсага ҳам. Мусо ва Исога ва (бошқа) пайғамбарларга ўз Раббисидан берилган нарсаларга ҳам. Уларнинг бирортасининг ўртасини ажратмаймиз ва биз У Зотга таслим бўлганлармиз. Бас, улар айни сизлар иймон келтирганингиз каби иймон келтирсалар, шунда аниқ ҳидоятланадилар. Ва агар юз ўғирсалар, унда шубҳасиз улар шиқоқ-ёмонликдадир. Бас, (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), уларнинг (ёмонлигидан) сизга Аллоҳ етарли (ҳимоячидир). Ва У ўта эшитгувчи, билгувчидир». (Бақара: 136, 137). Яна айтади: «Расул (яъни Муҳаммад алайҳиссалом), Ўз Раббисидан ўзига нозил қилинган нарсага иймон келтириди ва мўминлар ҳам. Ҳар бир: Аллоҳга, У Зотнинг малоикаларига, Унинг китобларига ва расулларига иймон келтирган: У Зотнинг расулларидан биронтасининг ўртасини ажратмаймиз ва бизлар эшитдик ва итоат қилдик, бизларни мағфират этиш Сенга эй Раббимиз ва қайтиш ҳам Ўзингадир, дедилар». (Бақара: 285). Яна Аллоҳ таоло айтади: «Алиф, лом, мим. Ана ўша - унда шубҳа бўлмаган китоб; тақводорлар учун ҳидоятдир. Улар ғайбга иймон келтириб ва намозни қойим қилиб ва биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиласиганлардир. Ва улар сизга (яъни Муҳаммад алайҳиссаломга) нозил қилинган нарсага ва сиздан олдин нозил қилинган нарсаларга иймон кетирадиган ва улар охират кунига аниқ ишонадиганлардир. Улар ўзларининг

Раббисидан бўлган ҳидоят устидадир ва улар, (фақат) уларгина нажот топгувчилардир». (Бақара: 1-5).

- Яна иймон келтириш лозимки: Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарларнинг сўнгтиси эканига, у кишидан кейин пайғамбар йўқлигига, Аллоҳ таоло у кишини барча сақолайин: жин ва инсга юборган, деб иймон келтириш лозимдир. У киши олиб келган нарсага иймон келтирмаган кимсалар мўмин эмаслар. Аллоҳнинг дўсти бўлишни-ку қўяверинг! Ва кимки у киши келтирган нарсаларнинг баъзисига иймон келтириб ва баъзисига куфр келтирса: ундаи кимса кофирдир, мўминлардан эмас. Аллоҳ таоло бу борада айтади: «Аниқки Аллоҳ ва У Зотнинг Расулларига куфр келтирадиганлар ва улар (шу билан) Аллоҳ ва У Зотнинг Расуллари ўртасини ажратишни хоҳлайдилар. Ва айтадиларки: баъзисига иймон келтириб ва баъзисига куфр келтирамиз. Ва манашунинг орасида (ўзларининг истагидаги) бир йўл тутишни хоҳлайдилар. Улар, ўзлари ҳақиқий кофирлардир. Ва кофирлар учун хор қиласидиган бир азобни тайёрлаб қўйдик. Ва Аллоҳ ва У Зотнинг Расулларига иймон келтирадиганлар; ва улар улардан бирортасининг ўртасини ажратмайдилар. Улар, яқинда уларнинг ажрларини берурмиз. Аллоҳ (бундай қилгувчиларга) мағфират қилгувчи, раҳм қилгувчи бўлган Зотдир». (Нисо: 150-152).

- Яна у киши алайҳиссаломга иймон келтириш фарз бўлган нарсалардан: у киши Аллоҳ ва халқлар ўртасида У Зотнинг буйруғини ва қайтариғини, ваъдаси ва ваъйидини, ҳалоли ва ҳаромини етказиша воситачи бўлганига иймон келтирмоқ.

Ҳалол: Аллоҳ ва Расули ҳалол қилган нарса.
Ҳаром ҳам: Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарса.
Дин ҳам: Аллоҳ ва Расули шариат қилиб берган нарсалардир.

Демак кимки: авлиёлардан биронтаси учун Аллоҳ таолонинг розилигига Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга әргашишдан бўлак бошқа бир йўл бор, деб эътиқод қилса, у шайтоннинг дўстларидан бўлган кофирдир.

Аммо, Аллоҳ таолнинг халқларни яратиши, уларни ризқлантириши, дуоларини ижобат қилиши, қалбларини ҳидоят қилиши, душманлари устидан қозонтирши ва яна бошқа фойдаларни жалб қилиб зарарни кетказишдаги ишларга фақат У Зотгина қодир. Буларнинг барини; бирон шериги бўлмаган Ягона Аллоҳ қиласа. Буларнинг сабабларини Ўзи хоҳлаган кишиларга осон қилиб беради. Бу каби ишларда пайғамбарлар воситачи бўлиши кирмайди, (яъни фойда ва зарар бериш пайғамбарлар қўлидан келмайди, балки фақат Аллоҳнинг қўлидадир).

#ФУРҚОН-7

- Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган барча нарсаларга иймон келтириш фарзлиги ва уларга қарши чиққан кимса кофир бўлиши ҳақида

Киши - зухд, ибодат ва илмда етишганича етишсан, бироқ Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсаларнинг барчасига иймон келтирмаса, ҳаргиз мўмин бўлмайди ва у Аллоҳ таолога дўст ҳам эмас. Ундейлар худди Яхуд ва

Насороларнинг олим, роҳиблари ва уларнинг обидлари каби бўлади. Ёки ундейлар - илм ва ибодатга нисбат қилинган мушриклар каби; Араб, Турқ, Ҳинд мушриклари ва бошқа Ҳинд ва Турқ ҳукамоларидан бўлган кимсалар каби. Эҳтимол ундаи кимса илм ёки зуҳдда, динида ибодатгўйдир, лекин барибир Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган барча нарсага мўмин бўлмас экан, ҳатто уни баъзилар Аллоҳнинг дўсти деб ўйласалар ҳам, у - Аллоҳнинг душмани бўлган кофирдир. Бу айни мажусий бўлган, кофир бўлган Форс ҳукамоларининг ахволи кабидир.

Шунингдек Юнон ҳукамолари: Аросту ва унга ўхшаганлар мушрик бўлган. Улар санам ва юлдузларга ибодат қиласарди. Аросту Масих алайҳиссаломдан уч юз йил олдин яшаб ўтган. У Филипснинг ўғли Искандар Мақадонийга вазир бўлган, Рум ва Юнон, Яхуд ва Насоролар тарихчиларидан бири. Уни баъзи одамлар: Аросту Зул Қарнайнга вазир бўлган, деб айтган. Лекин у Аллоҳ Ўз китобида зикр қилган Зул Қарнайн эмас. Негаки унинг исми Искандар, наригиси ҳам Искандар деб номланиб қолганига, уни ҳам ўша деб ўйлаганлар. Масалан; Ибн Сино ва у билан бирга бир қанча одамлар шундай билганлар. Лекин, бу ундаи эмас. У вазири Аросту бўлган мушрик Искандардир. Наригисидан (яъни Зул Қарнайндан) кечроқ яшаб ўтган. Ва у Садди деворини қурмаган ва кўрмаган, ҳатто Яъжуҷ ва Маъжуҷ диёrlарига ҳам, етиб бормаган. Бу Искандарнинг эса, вазирларидан бири маълум Рум тарихчиси Аросту эди.

- Шайтонлар ўз дўстларини бошқариши ҳақида

Мушрикларнинг синфидан бўлган: Араб, Ҳинд, Турк ва Юнон мушриклари ва улардан бошқа илм, зуҳд ва ибодатда ижтиҳоди бўлган кимсалар бор-у, лекин улар Расулларга эргашувчимас, Пайғамбар алайҳиссалом келтирган нарсаларга иймон келтирмайдилар, у киши алайҳиссалом хабар берган нарсаларни тасдиқламайди ва буюрилган нарсаларга итоат ҳам қилишмайди. Улар мўмин эмас, Аллоҳнинг дўстлари ҳам эмас. Уларга Шайтонлар кириб олган. Улар одамларга баъзи ишларни ўзларича кашф қилиб беради. Улар шайтонлар ёрдами билан сеҳр қиласидиган, ғайри оддий тасарруфотлар қиласидиган коҳин ва сеҳргарлар. Аллоҳ таоло айтади: «Сизларга Шайтон кимларга тушишининг хабарини берайми?! Ҳар бир гуноҳга ботган кимсага тушади. (Шайтонлар эшлитиш учун осмонга) қулоқ тутадилар ва лекин уларнинг аксари ёлғончилардир». (Шуаъро: 221-223).

Ўзларини кашфиёт ва ғайри оддий мўъжизаларга нисбат қилгувчиларнинг барчаси, агар расулларга эргашмайдиган бўлсалар, уларни ҳам, ёлғон айтиётган шайтонларини ҳам, ёлғончига чиқариш лозим. Чунки албатта уларнинг амалларида гуноҳ ва фужур бўлади. Мисол: ширк, зулм, фоҳишалик, ғулув ёки ибодатдаги бидъатлардан бирор нави топилади, албатта. Шунинг учун ҳам, уларга шайтонлар тушиб ва уларга йўлдош бўлишган. Демакки улар Раҳмонга эмас - Шайтонга дўст бўлишди.

Аллоҳ таоло айтади: «Ва кимни Раҳмоннинг зикридан кўзини қорангалик босган бўлса, унга Шайтонни яқин қилиб қўямиз. Бас, у ўша учун бир ҳамроҳдир». (Зухруф: 36). Раҳмоннинг зикри: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган: Куръондир. Ким-ки Куръонга иймон келтирмаса, унинг хабарларини тасдиқламаса ва буйруқларини вожиб деб эътиқод қилмаса, дарҳақиқат ундан қайсарлик ила юз ўгирибди. Энди унга Шайтон яқин бўлиб, унга илашиб олади. Аллоҳ таоло айтади: «Ва бу; Ўзимиз уни нозил қилган муборак Зикрдир». (Анбиё: 50). Аллоҳ таоло айтади: «Ва кимки Менинг зикримдан қайсарлик қилиб юз ўгирар экан: бас унга тор ҳаёт бўлур ва уни қиёмат куни кўр қилиб тирилтиurmиз, албатта. Айтарки: эй Раббим, нега мени кўр қилиб тирилтирдинг ва дарҳақиқат кўтур эдим. (Аллоҳ) айтди: сенга ҳам оятимиз келганида, шунда уни унитган эдинг ва шу каби сен ҳам бугун унитилурсан». (Тоҳа: 124-126).

Демак, У Зотнинг зикри нозил бўлган оятлари эканигини кўрсатди. Шунинг учун киши агар кечаси-ю қундизи доим Аллоҳ субҳана ҳува таолони ўта зоҳид бўлиб фақат тили билан зикр қилиб, қаттиқ тиришиб ибодат қилса-ю, лекин У Зот нозил қилган Зикрга эргашувчи бўлмаса, ундей кимса Шайтон дўстларидан бўлади. Ҳаттоқи очиқ ҳавода учиб юрса ҳам, сув бетида юра олса ҳам (зикр санашга шунғуб ғулувга кетган сўфийлар ҳақида айтилмоқда). Чунки уни Шайтон ҳавода ва сувда кўтариб туради. Бу нарсалар бошқа ўринларда ҳам очиқ айтилган.

#ФУРҚОН-9.

- Иймон - кўпайиб-озайиб туриши хақида

Саҳиҳайнда Амр ибнул Ос розияллоҳу анҳудан келган ҳадисда баъзи инсонларда ҳам иймон, ҳам нифоқнинг турларидан бири бўлиши мумкилиги хақида келади. Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тўрт (хислат) кимда бўлса, холис мунофиқ бўлибди. Ва кимда улардан бир дона хислат бўлса, то уни ташламагунича унда нифоқдан бир хислат бор: Гапирса ёлғон сўзлаган, хусуматлашса фожирлик қилган, омонат берилса хиёнат қилган ва агар аҳд боғласа бузган». (Бухорий, Муслим). Яна Саҳиҳайнда Абу Ҳурайрадан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Иймон олтмиш ёки етмиш қанча қисмдир. Унинг энг юқориси: Ла илаҳа илла Аллоҳ сўзи. Энг қуйиси: йўлдан озор берувчи (нарсани) олиб қўйиш. Ҳаё: иймондан бир қисмдир», дедилар. (Бухорий, Муслим). Демак, Набий алайҳиссалом мазкур хислатлардан бири кимда бўлса унда нифоқдан бир хислат бор, деб баён қилдилар.

Дарҳақиқат, Саҳиҳайнда событ бўлганки, у киши алайҳиссалом Абу Зар розияллоҳу анҳуга: «Албатта сизда жоҳилиятдан бир (хислат) бор кишисиз» дейди. Абу Зар розияллоҳу анҳу: Эй Аллоҳнинг Расули, катта ёшимда ҳамми? У киши алайҳиссалом: «Ҳа» дедилар. (Бухорий, Муслим). (Албатта Абу Зар розияллоҳу анҳу мўминларнинг афзалларидан).

Яна саҳиҳлиги событ бўлган ҳадисда ривоят қилинади: «Менинг умматимда тўртта нарса жоҳилият ишларидан: молда фахрланиш, насабдан тониш, ўлик устида ҳўнграб дод-вой солиш ва юлдузлар билан ёмғир сўрашлик бор». (Муслим).

Саҳиҳайнда Абу Ҳурайрадан, у киши Набий алайҳиссаломдан: «Мунофиқнинг аломати учта: агар гапирса ёлғон сўзлаган, ваъда берса хилоф қилган ва омонат берилса ҳиёнат қилгандир», дедилар. (Бухорий, Муслим).

Саҳиҳ Муслимда: «Ва ҳатто рўза тутиб, намоз ўқиб ва ўзини мусулмон деб даъво қилса ҳам» деб келади. Имом Бухорий Ибн Абу Мулайкадан зикр қиласи: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан ўттизтасини учратдим, уларнинг барчалари ўзларига нифоқ етишидан қўрқардилар» дейди. (Бухорий).

Аллоҳ таоло айтади: «Ва сизларга икки жамоат учрашган кун Аллоҳнинг изни билан етди ва (у унда) мўминларни билиш учун ва мунофиқ бўлганларни билиш учун ҳам. Ва уларга: келинглар Аллоҳ йўлида уришинглар ёки (ҳеч бўлмаса) мудофа қилинглар (яъни хайдаб туринглар ёки қорамизи кўпайтириб туринглар ёки орқамизда жанг қилмасангиз ҳам шунчаки нарсаларимизга қарагач туринг), дейилса, улар: агар (сизлар чақирган ерда) бирон уриш-жиҳод (борлиги)ни билганимизда, албатта сизларга эргашардик, дейдилар (яъни жиҳодга боришдан бош тортиб у ерда уруш йўқ, демоқчилар, баҳоначилар). У (бош тортган)лар, ўша кунда иймонга улардан (яъни мужоҳид мўминлардан кўра) куфрга яқинроқ бўлганлардир». (Оли Имрон: 166, 167). Дарҳақиқат улар иймондан кўра куфрга яқинроқ қилинди. Бундан аён бўладики: Уларда (иймон ва нифоқ) аралашган (яъни амалларида иймон ва нифоқ ҳам аралашган кимсалар). Улардаги куфр иймонларидан кучлироқ бўлади. Яна бошқаларда ҳам

иймон-куфр аралаш бўлиб, уларда иймонлари кучлироқ бўлади. (Кичик куфр ҳақида айтилмоқда).

Шундай қилиб Аллоҳнинг дўстлари тақводор мўминлар бўлса, Аллоҳнинг дўстлиги ҳам банданинг иймони ва тақвосига қараб бўларкан. Ким иймон ва тақвода комилроқ бўлса, Аллоҳнинг дўстлиги ҳам комилроқ бўлади. Одамлар иймонлари ва тақволаридаги даражаларга қараб Аллоҳга дўст бўлишилигига ҳам турли даражаларга бўлинадилар. Худди шунингдек, улар Аллоҳга душманчиликда ҳам, куфр ва нифоқларига қараб турли даражаларга бўлинади.

Аллоҳ таоло айтади: «Ва агар бирон сурә нозил қилинса, бас улардан айрим кимсалар: бу сизлардан қай бирингизни иймонини зиёда қилди? дейди. Бас, аммо иймон келтирганлар, ҳушхабарланган ҳолларида уларда иймон зиёда қилинди. Ва аммо қалбida мараз-касал борлар, ўзларнинг рижсларига (яна) уларга рижс-нопоклик қўшилди ва улар кофир бўлиб ўлдилар». (Тавба: 124, 125). Яна: «Албатта (ҳаром қилинган ойларни ўзгартириб) кечикириш, куфрда ошириб юборишdir холос». (Тавба: 37). Яна Аллоҳ таоло айтади: «Ва ҳидоятланганлар! Уларга ҳидоят зиёда бўлди ва уларнинг ўз тақволари берилди». (Муҳаммад: 17). Ва Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида айтади: «Уларнинг қалбларида мараз бор, бас, Аллоҳ уларга марзни кўпайтирди». (Бақара: 10). Аллоҳ таоло бир шахснинг ўзида баъзан унинг иймони ва тақвосига қараб Аллоҳнинг дўстлигидан бир бўлак ва баъзан унинг куфри ва нифоқига кўра (яъни диндан чиқармайдиган кичик куфр ва кичик нифоқдан) қанчадир бўлиб, шунга кўра Аллоҳнинг душманлигидан насибаси борлигини

баён қилди.

Аллоҳ таоло айтади: «Ва иймон келтирганлар иймонда янада зиёда бўлади». (Муддассир: 31). Яна У Зот айтади: «Ўз иймонлари билан иймонни янада зиёда қилишлари учун». (Фатҳ: 4).

#ФУРҚОН-10

• Фасл: Аллоҳнинг дўстлари икки табақада эканлиги (авлиёлар мартабаси)

Аллоҳнинг дўстлари икки табақага бўлинади:

1. Муқарраб пешқадамлар.
2. Муқтасид - ўнг томон эгалари.

Аллоҳ таоло ушбу икки мартаба эгаларини Ўзининг азиз китобида кўп ўринларда зикр қилган: «Воқеъа» сурасининг аввали ва сўнггида, «Инсон» сурасида, «Мутоффифин», «Фотир» сураси: У Зот субҳанаҳу ва таоло «Воқеъа» сурасида катта қиёматни зикр қилиб сўнгра унинг сўнггида қиёматнинг кичигини зикр қиласи: «Агар Воқеъа (яъни қиёмат) воқеъ-содир бўлса. Унинг содир бўлганини (ёлгон дегувчи) бирон ёлгончи бўлмас. (У кун: дунёда юқори бўлган мутакаббир одамларни) паст қилгувчи, (дунёда синик бўлганларни эса) юқори қилгувчидир. Агар ер бир силкиниш (билан) силкинса (яъни ўта қаттиқ зил-зила бўлса). Ва тоғлар увоқ-увоқ бўлиб кетса. Бас, (шу ҳолатдан кейин) бир чанг тўзон бўлди.

Ва сизлар уч синф-тоифа эдингиз: Ўнг томон эгалари; Ўнг томон эгалари нақадар яхши улар. Чап томон эгалари; Чап томон эгалари қандай ҳам ёмон улар. Ва (дунёда яхшиликда) ўзгувчилар, (охиратда

ҳам жаннатга киришда) ўзгувчилардир (яъни пешқадамлар). Улар муқарраблардир. (Улар) жаннатда неъматлардадир. (Муқарраб бандалар) аввалги (уммат)лардан кўпчилик (бўлган) ва охиргилардан озчиликдир». (Воқеъа: 1-14).

Айни ушбу тақсим: катта қиёмат қойим бўлганидаги ҳолатдир, Аллоҳ таоло буни Ўзнинг китобида яна бошқа ўринларда ҳам васфлаб айтганидек, у кунда аввалги ва охирги одамларни йиғади. Сўнгра Аллоҳ таоло суранинг сўнггида айтади: «Бас, энди қачонки (руҳ) ҳалқумга етганида. Ва сизлар ўшанда (жон чиқиш ҳолатини) кўриб туурсизлар. Ва Биз унга сизлардан яқинроқмиз ва лекин кўраолмайсизлар. Бас, агар сизлар эгасиз бўлсангизлар, уни (яъни руҳни) қайтаринглар-чи (гумонингизда) ростгўй бўлсангизлар! Бас, аммо агар (жон таслим қилгувчи) муқарраблардан бўлса: (унга) роҳат, райҳон ва неъматли жаннатлар бўлур. Ва аммо агар ўнг томон эгаларидан бўлса, (унга) ўнг томон эгаларидан: сенга салом (бўлур эй банда, дейилур). Ва аммо агар залолатдаги ёлғончилардан бўлса: (уни) ҳамимга (яъни қайнаган сувга) тушиши бор ва жаҳим-дўзахга киритилади. Албатта бу, шубҳасиз аниқ ҳақиқатнинг ўзиdir». (Воқеъа: 83-96). Яна Аллоҳ таоло «Инсон» сурасида ҳам айтади: «Албатта Биз уни (яъни инсонни) ё шокир бўлсин ёки куфр келтирувчи бўлсин, деб (оқ-корани ажратаоладиган қилиб) йўлга ҳидоят қилдик. Биз кофирлар учун: занжирларни, кишанларни ва дўзахни тайёрлаб қўйдик. Албатта аброрлар ушаробнинг аралашмаси кофур-ўта тиник (шаробдан қуйилган) косадан ичадилар. Булоқни (яъни тиник булоқни эса), у билан Аллоҳнинг бандалари

суғорилурлар, бир чиқариш (билин, жаннатнинг хоҳлаган еридан) чиқарадилар (яъни жаннатнинг хоҳлаган ерида булоқни худди ерлардан отилиб чиқсан булоқлардек ўзлари чиқариб олаверадилар. Улар): назрга вафо қиласидилар ва унинг ёмонлиги тарқаб кетган (яъни шов-шув бўлган), бир кундан (қиёматдан) қўрқадилар. Улар ўз муҳаббатлари билан мискин, етим ва асиirlарга таом едиурлар: сизларни фақат Аллоҳ юзи учун таомлантирамиз, сизлардан мукофат ва шукр-раҳматни ҳам хоҳламаймиз, албатта биз: Раббимиздан (кофир-золимларнинг юзлари) тириш, буриш бўлган бир кундан қўрқумиз. Бас, уларга Аллоҳ ўша куннинг ёмонлиги (етиши)ни ҳимоя қилди ва уларга (кофиirlарга берилган юзларидаги тириш, буришнинг ўрнига, юзларига) тиник-оппоқлик, (қалбларига эса) қувонч берди. Ва уларни сабр қилган нарсалари билан (яъни сабрли бўлганлари учун) жаннат ва ипакни мукофат қилди. У ерда сўрилар устида суюнган ҳолларида ўтирадилар, улар у ерда қуёш (иссифини) ва аёз (совуғини ҳам) кўрмаслар». (Инсон: 3-12). Шунингдек Мутоффифин сурасида ҳам зикр қиласиди: «Йўқ! (Тарози ва ўлчовдан уриб қолувчилар, дунё ва охиратда хотиржам бўлишмасин, албатта бу қилганларига жавоб берадилар. Бундай) фожир кимсаларнинг китоби (яъни, номай аъмоли) сижжийиндадир. (Сўнгра Аллоҳ таоло сижжийинни тафсир қилиб: Эй Муҳаммад алайҳиссалом!): сизга сижжийин нима эканини (ким) билдири?! (Сижжийин барча гуноҳ ва ёмон ишлар) ёзилган китобдир. (Шу қаторда тарозу ва ўлчовдан уриб, қимтиб қолувчиларнинг ишлари ҳам. Аллоҳ таоло, тарози ва ўлчовдан уриб қолувчиларни огоҳ

қилганидан кейин, қиёмат кунига ишонмайдиган ва уни ёлғон дейдиганлар ҳақида ҳабар беріб айтади): ва у кунда ёлғончиларга вой бўлсин. (Вой бўлсин сўзи: азоб бўлсин, уқубат бўлсин маъноларини ифода қиласди. Сўнгра Аллоҳ таоло ёлғончи кимсаларга айтади): У (қиёмат кунини) ҳар бир гуноҳга ботган кимсадан бошқаси ёлғонга чиқармас. (Ундай кимсалар ҳаромга ботган, на ҳалол ва на ҳаромнинг фарқини билмайдиган жуда кўп гуноҳ қилгувчилардир. Ёлғонни кўп гапиради. Бу ёлғончилик ундай кимсанинг вужудида кибр-ҳақни тан олмастликни ҳосил қилиши турган гап, ҳақ келганида, уни ўша манмансираши билан рад қиласди: энди) агар унга оятларимиз тиловат қилинса (ҳам ва оятлар омонатдор Расулдан келтирилиб ростгўлик ва ҳаққа далолат қилса ҳам), айтадики: (бу Қуръон) аввалги (ўтган эскиларнинг) афсоналари (яъни, такаббур қилган ҳолида, бу эскиларнинг чўп-чаги, бу сўзлар Аллоҳдан эмас дейди). Йўқ! (Бу оятлар, ана ўша гуноҳга ботган кимса айтгани каби, аввалгилардан қолган афсона эмас). Балки (унинг бу уйдирма гаплари) уларнинг қалбларини касб қилгувчи бўлган ёмонликлари қоплаганлигидан (ҳавои нафсига эргашиб, одамларни Аллоҳнинг йўлидан қайтариш учун айтган сафсата гапларидир). Йўқ! Албатта ундай кимсалар ўша Кунда ўзларининг Раббисидан (У Зотни кўрмоқликдан) шубҳасиз тўсилур. Сўнгра улар (яъни, ана ўша гуноҳга ботган кофир кимсалар, Қуръонни афсона дегувчи ва охиратга ишонмайдиганлар) дўзахга киур (ва энди ўт азобини тотур). Сўнгра (уларга қаратади): бу сизлар унда (яъни дунёда охират азоби ҳақида шак-шубҳага бориб)

ёлғон деб юрган (дўзахдир, азобдир, энди унга кирингиз) дейилур. (Аллоҳ таоло коғир ва фожир кимсаларнинг номаи аъмолларини ёмон саналган амаллар ёзиладиган сижжийинда эканини айтганидан кейин, мўмин-мусулмонлар ва Аллоҳ таолога яқин бўлган бандаларнинг қилган яхши амаллари иллийюнда эканлигини ҳабарини беради): Йўқ! (Куръонни Аллоҳнинг сўзи деб, У Зотга иймон келтирган ва Расулига иймон келтириб, амаллари билан тасдиқ қилганлар дўзахга кирмас ва уларнинг амаллари сижжийинда ҳам эмас. Балки Аллоҳ ва Расули бирон ишга буюрса эшитдик ва итоат қилдик, дейдиган итоаткор содик) кишиларнинг китоби (яъни, номаи аъмоли) иллийюндадир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом!): Иллийон нима эканини сизга (ким) билдири?! (Аллоҳ таоло иллийон: итоат қилувчи бандаларнинг исмлари) сатрланган (ёзилган, битилган) китобдир (дейди. У китобга Аллоҳ таолонинг) муқарраб (банадалари) гувоҳ бўладилар. Албатта (Аллоҳ таолонинг) аброр (бандалари) шубҳасиз (қалб, рух ва баданлари билан роҳат оладиган жаннатдаги) неъматлардадир. (Улар безатилган пардалар билан тўсилиб, тўшак ва ёстиқлар терилган) сўрилар устида (роҳат оладилар ва у сўрилардан туриб Аллоҳ таоло уларга тайёрлаган бошқа неъматларга ва ўз Раббисининг Карим Юзига) қарайдилар. (Эй назар қилгувчи киши!): Уларнинг юзларида (жаннатдаги) неъматларнинг нурини билурсан (яъни, неъматлар билан лаззатланиб юзларига жаннат баҳолари, равнақлари уриб турганига гувоҳ бўладилар. Уларга муҳрланиб) муҳри бузилмаган (энг тоза, энг покиза ва энг лаззатлик ақлни учирмас) тиник

(шароблар)дан қуиб берилур. Унинг охирининг (мазаси) мискдир (яъни, охирида миск таъми келур). Ва ана ўша (яъни, жаннат неъматларида) беллашувчи кишилар (анашундай боқий неъматлар устида рағбат қилиб) беллашсинлар (яъни, Аллоҳ таоло жаннатидаги неъматларга қизиқтириб чақиряпти. Хусусан, Аллоҳ таоло яна ана ўша май-шароб хақида айтади): ва у-шаробнинг аралашмаси таснимдандир. (Тасним: жаннат ичимликлари ичиди энг олий шароб бўлиб: У жаннатдаги) бир булоқдир, у билан (Аллоҳ таолонинг) муқарраб (энг яқин бўлган бандалари) суғорилур». (Мутаффифин: 7-28).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ва у кишидан бошқа салафлар айтади: ўнг томон эгаларига мазж-аралашма қўшиб берилади (яъни ичадиган шаробларига таснимдан аралаштириб берилади) ва муқарраб бандалар эса сирф-тиник шароб билан ичадилар (яъни ҳеч нарса қўшилмаган, таркибида аралашмаси йўқ шароб билан суғориладилар). Бу, айни уларнинг айтгани кабидир. Чунки Аллоҳ таоло айтади: «у билан ичади», ундан ичади, демади. Негаки У Зотнинг: ичади сўзи, суғорилади сўзи ичига кириб кетади. Чунки ичгувчи баъзан ичади, лекин суғорилмайди.

Агар: ундан ичадилар, дейилса, унда суғоришга далолат қилмайди. Энди яна агар: у билан ичадилар, дейилса: унда: у билан суғориладилар, маъноносида бўлади. Бас, муқарраб бандалар у (тиник шароб) билан суғориладилар. У билан яна ундан бошқасига эҳтиёжлари бўлмас. Шунинг учун ундан, ўнг томон эгаларига фарқли ўлароқ ичадилар, тинифини ичурлар. Негаки у улар учун (яъни ўнг томон эгалари учун) аралашма билан берилади. У Инсон сурасида

Аллоҳ таоло айтгани каби: «у-шарбнинг аралашмаси кофур-ўта тиник (шаробдан, қуйилган) косадан ичадилар. Булоқни (яъни тиник булоқни эса), у билан Аллоҳнинг бандалари суғорилурлар, бир чиқариш (билин, хоҳлаган ерида) чиқарадилар (яъни жаннатнинг хоҳлаган ерида булоқни худди ерлардан отилиб чиқсан булоқлардек ўзлари чиқариб олаверадилар)». (Инсон: 5-6).

Аллоҳнинг бандалари: ушбу сурада зикр қилинган муқарраблардир. Негаки бу жазо-мукофат: яхшилик ва ёмонликда ҳам, амалнинг жинсидан берилур. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлари каби: «Ким дунё қийинчиликларидан бирон қийинчиликни мўмин кишидан енгиллатса, Аллоҳ ундан қиёмат қийинчиликларидан бир қийинчиликни кўтаради. Ким оғир ташвиши бўлган кишига енгиллик қилса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик қиласди. Ва ким бир мусулмонни (хатоларини) беркитса, Аллоҳ уни дунё ва охиратда (хатоларидан) беркитса, Аллоҳ банданинг ёрдамида бўлади, модомики банда ўз биродари ёрдамида бўлса ҳамда кимки илм талабида йўлда юраркан, Аллоҳ унга ўша сабаб жаннатга бир йўлни осон қиласди. Қайсики қавм Аллоҳнинг бирор бир масжида тўпланиб Аллоҳнинг китобини тиловат қилиб, уни ўзаро дарс қилишсалар, уларга фақат сакинат нозил бўлади, уларни раҳмат ўраб олади, малоикалар ўраб олади ва уларни Аллоҳ Ўз олдидагиларга зикр қиласди. Ва кимнинг амали кечикса, насаби тезлашиб қолмайди (яъни кишига амалсиз насаби фойда бермайди)». (Муслим).

Яна у киши алайҳиссалом айтадилар: «Раҳим қилувчиларга Раҳмон раҳим қиласди. Ердаги

кишиларга раҳим қилинглар, осмондаги Зот сизларга раҳим қиласи». (Термизий: ҳадис сахих, деди). Сунан китобларидан келган бошқа бир сахих ҳадисда, Аллоҳ таоло айтади: «Мен Раҳмонман. Роҳимни яратдим ва унга Ўзимнинг исмимдан бирини бўлиб бердим. Бас, ким уни боғласа, унга боғладим ва ким уни узса, уни битирдим». (Абу Довуд, Термизий, Аҳмад). Ва яна: «ва ким уни боғласа, Аллоҳ уни боғлади. Ва ким уни узса, Аллоҳ уни узади». (Бухорий, Муслим) ва бу каби ҳадислар кўп.

Аллоҳнинг дўстлари юқорида ўтгани каби, икки турга бўлинган: муқарраблар ва ўнг томон эгалари.

Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккала табақани ҳам, Авлиёлар ҳадисида зикр қилганлар: «Аллоҳ таоло айтади: ким Менинг дўстимга душманлик қилса, дарҳақиқат Мен билан урушда беллашувга чиқибди. Ва Менга бандам, Ўзим унга фарз қилган нарсам билан яқинлашиб ибодат қилганидай, Менга ундан севимлироқ нарса йўқдир. Ва бандам нафл ибодатлар билан Менга яқинлашар экан, ҳатто Мен уни севиб қоламан. Агар уни севиб қолсам: Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёқлари бўламан (яъни, У Зот бандани Ўзи бошқаради. Ёмонликдан тўсади, яхшиликка бошлайди)». (Бухорий).

— Аброрлар: У Зотга фарз амаллари билан яқинлашган ўнг томон эгалариидир. Улар Аллоҳ ўзларига вожиб қилган нарсаларни қиладиганлар, яна Аллоҳ уларга ҳаром қилган нарсаларни тарқ қиладиганлардир. Ўзларини мандуб ишлар билан

қийнамайдилар ва мубоҳ ишлардаги фазилатлардан тийлишмайди ҳам.

— Аммо муқарраб пешқадамлар: У Зотга фарз амалларидан кейин, нафл амаллар билан ҳам яқинлашадилар. Вожиботларни, мустаҳбларни ҳам бажарадилар ва ҳаромни, макруҳотларни ҳам тарқ қиласидилар. Қачонки У Зотга: ўзлари суйган нарсаларидан қодир бўлғанларича қилсалар, Рабб таоло Ўзи айтганидек комил севиши билан уларни севиб қолади: «Ва бандам нафл ибодатлар билан Менга ибодат қиласар экан, ҳатто Мен уни севиб қоламан». Яъни: мутлоқ муҳаббат. Бу худди: «Бизларни сиротол мустақиймга ҳидоят қилгин. Уларга Сен инъом қилган, уларга ғазаб қилинмаган ва залолатга кетмаганларнинг сироти-йўлига» (Фотиха: 6, 7) сўзи каби. Яъни: У Зотнинг сўзида зикр қилинган уларга тамомий мутлоқ неъматларни инъом қилган: «Ва ким Аллоҳга ва Расулига итоат қилса, бас, улар пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлардан Аллоҳ уларга инъом қилганлар билан биргадир ва улар энг яхши рофиқдир-ҳамроҳ» (Нисо: 69) дейилганлар каби.

Муқарраблар: Улар учун мубоҳ ишлар Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган тоатларига айланди. Уларнинг барча амаллари Аллоҳ учун қилинган ибодат бўлди. Бас, ана энди, худди соф-тиник амал қилганларидай, сирф-тиниғидан ичадилар (яъни жаннат шаробларининг энг соф ичимликларидан).

Муқтасидлар: Улар нажот топишлари учун етарли амал қилганлардир (яъни фарз-вожиботларни тўқис бажарган ва ҳаромларини тарқ қилган ва ғолибан

нафл ишларни такр қилиб ва макруҳ ишларни қилғанлар). Булар учун иқобга тортилмайдилар, лекин савоб ҳам олмайдилар. Бироқ ўша тиниғшаробдан ичмайдилар ҳам. Балки уларга муқарраб бандаларнинг шаробидан, ўзлари дунёда (мубоҳ ва макруҳ амаллардан) аралаштирган ишларига қараб, ундан шаробларига қўшиб аралаштириб берилади.

#ФУРҚОН-11

• Қул Расул ва подшо Набий

Пайғамбарлар алайҳимуссалом: қул Расул ва подшо Набий даражасида тақсимланадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ субҳана ҳува таоло Мұхаммад алайҳиссаломга: қул Расул бўлишни ёки подшо Набий бўлиш ихтиёрини берди. Бас, у киши алайҳиссалом оддийгина «қул Расул» бўлишни ихтиёр қилдилар.

Подшо Набий бўлганлар, мисол учун: Довуд, Сулаймон алайҳимассалом каби пайғамбарлар. Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссалом қиссасида у киши айтган сўзини хабар қилиб айтади: «Эй Раббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин ҳеч кимга берилмайдиган beminnat бир мулк бергин. Албатта Сен beminnat бергувчисан. Бас, унга шамолни бўйинсундириб қўйдик, унинг буйруғи билан истаган жойига майин ҳолда чопадиган бўлди ва барча қурувчи ва ғаввос бўлган шайтонларни (ҳам Сулаймон алайҳиссаломга итоат қилдириб қўйдик). Ва бошқалари (яъни қолган итаотсиз жиншайтонлар) қўллари бўйинларига боғланган ҳолда кишанланди. Бу Бизнинг (Сулаймон алайҳиссалом сўраган улуғ мулклардан) берганимиздир, бас, (эй

Сулаймон алайҳиссалом, хоҳаланингизга) беринг ёки берманг (сизга, бу ишингизда) ҳисоб бўлмас». (Сод: 35-39). Яъни: кимга хоҳласангиз беринг ва кимни хоҳласангиз манъ қилинг, сизга бу ҳақида ҳисоб-китоб йўқ. Подшо бўлган Набий - Аллоҳ унга фарз қилган нарсаларни бажаради ва унга ҳаром қилган нарсаларни тарк қиласди. Ва давлатдаги ва мулкдаги нарсалар билан ўзи суйган ва ихтиёр қилган гуноҳсиз ишларда тасарруф қиласди бошқараверади.

Аммо, қул-банда бўлган Расул эса, бирон кишига буйруқ бермоқчи бўлса фақат Ўз Раббисининг буйруғи билан беради. Хоҳлаган кишисига бериб ва хоҳлаганига манъ қилаолмайди. Буйруқни фақат Раббисининг амри билан беради, бирон масуулиятли бошқарувга ҳам, ўз Раббиси буйруғи билан кишиларни тайин қиласди. Унинг барча амаллари Аллоҳ таоло учун ибодат бўлиб саналади. Саҳихул Бухорийда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келадики, Набий алайҳиссалом айтадилар: «Албатта мен, бирор нарсани ҳеч кимга беролмайман ва манъ ҳам қилолмайман. Мен фақат Қосимман (тақсимловчиман) буюрилган (иш-нарсаларни) жойига қўяман, холос». Шунинг учун Аллоҳ тоаоло шариъатдаги мол-мулкларни Ўз қавлида Ўзига ва Расулига боғлаяпти (чунки Аллоҳ кимга берса беради, Расулуллоҳ ўшани тақсимлайдилар): «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: анфол-ғаниматлар Аллоҳ ва Расули учундир». (Анфол: 1). Яна: «Аллоҳ Ўз Расулига қишлоқ-شاҳар аҳлидан ўлжа қилиб олган нарсалар, бас, ҳам Аллоҳ учун ва Расули учун...». (Ҳашр: 7). Яна: «Ва билингларки, нарсалардан ўзларингиз ғанимат қилган нарса бўлса,

бас унинг бешдан бири Аллоҳ учун ва Расули учундир, албатта». (Анфол: 41).

Шунинг учун уламоларнинг очиқ айтиб ўтган сўзларидан: мол-мулклар Валиюл Амрнинг ижтиходига қараб, Аллоҳ ва Расули суйган нарсаларига сарф қилинади, бу: Имом Молик ва бошқа салафларнинг мазҳаби. Бу қавл Имом Аҳмаддан ҳам ривоят қилингани зикр қилинади.

Хумус ҳақида айтилади: албатта у бешга тақсимланади. Бу Имом Шофеъий ва Аҳмаддан маъруф бўлган қавл. Аммо Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ қавлига кўра: учга бўлинади.

- Хуллас бу ерда айтилаётган мақсад: Қул Расул - подшо бўлган Набийдан афзаллигидир. Худди: Иброҳим, Мусо, Исо ва Мухаммад алайҳимус солату ва салам, Юсуф, Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломдан афзал бўлгани каби.

Давоми бор...